



## ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириш институти профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17578260>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-noyabr 2025 yil

Ma'qullandi: 08-noyabr 2025 yil

Nashr qilindi: 11-noyabr 2025 yil

### KEYWORDS

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ички ишлар органлари, хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, сиёсий партиялар, ҳамкорлик, хуқуқий асос, такомиллаштириш.

### ABSTRACT

Мақолада Хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг сиёсий партиялар билан ҳамкорлигининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.

Юртимиз ижтимоий ҳаётида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабаблари, содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришга жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси масъул бўлмоғи лозим. Хусусан, ушбу масъулиятни янада ошириш ва жамиятда ўрнатилган ҳулқ-атвор қоидаларига жамият аъзоларининг белгиланган тартибда риоя қилишларида жамият ижтимоий ҳаётида юқори нуфузга эга бўлган сиёсий партиялар ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади ва мазкур ҳамкорликни янада такомиллаштириш бугунги куннинг талабидир десак, муболаға бўлмайди.

Жумладан, мамлакатимизда бугун амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий негизларидан бирини ҳам жамият ҳаётида ижтимоий муносабат субъектларининг фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш, хуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш, бевосита ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш, уларни халқнинг энг яқин кўмакчисига айлантириш, ички ишлар органларининг жамиятдаги роли ҳамда мавқеини ошириш, уларни кенг жамоатчилик яъни, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ташкил этмоқда. Хусусан, мазкур ҳамкорлик объектив зарурат

бўлиши билан бирга бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади<sup>1</sup>.

Қайд этиш лозимки, бугунги замонавий тараққиёт босқичида давлат ва умумжамият аҳамиятига молик масалаларни ҳал этиш, улар юзасидан қарор қабул қилишда нафақат давлат органлари, фуқаролар ёки алоҳида шахслар, балки, муайян аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қиладиган жамоат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳам юксалиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик шакллари алоҳида ўрганиш лозимлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ўзгаришлар даврида фуқаролик жамияти институтларининг, улар орасида сиёсий партияларнинг ўрнини ҳамда уларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан ҳамкорлигини алоҳида аҳамиятга эга йўналишлардан бири сифатида қайд этиш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҳаракатлар стратегияси тўғрисида**»<sup>3</sup>ги ПФ-4947-сон Фармонида «...давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш...» вазифаси ҳамда «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>4</sup>ги Фармонида эса, «мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда сиёсий партиялар ролини янада ошириш» алоҳида мақсадлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>5</sup>нинг 74-моддасида «Сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши манбалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар тақдим этадилар» деб белгилаб қўйилган.

<sup>1</sup> Забелов С.М. Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактики правонарушений. - Минск, 1979. – С.7.

<sup>2</sup> Гриб В.В. Законотворческая (правотворческая) инициатива как форма влияния институтов гражданского общества на органы государственной власти // Конституционное и муниципальное право. –2010. – № 12. – С. 9-15.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»<sup>6</sup>ги қонунининг 1-моддасида эса, «Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир» деб таърифланган.

Айтишимиз мумкинки, олиб борилган тадқиқотимиз жараёнида бир қанча маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг сиёсий партияларнинг ташкил этилиши, уларнинг мақсади ва вазифалари, жамият сиёсий тизимида эгаллаган мавқеи, давлат органлари билан ўзаро муносабатлари, сайловлар жараёнидаги иштироки, қонунчилик асослари, фуқароларнинг манфаатларини ифодалашдаги ҳаракати, бугунги кундаги фаолияти хусусидаги хилма-хил фикрлар билдирганликларининг гувоҳи бўлдик. Масалан, сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. «Фуқаролик жамияти институтлари ичида энг фаоли, сиёсий манфаатларни ифодалаш ва ўткази олиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлгани сиёсий партиялардир»<sup>7</sup>.

Шунингдек, «партиялар фуқаролик жамияти ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи ягона кучдир. Демак, кучли партиялар давлатни кучсизлантирмайди, аксинча, улар сиёсий жараёнларнинг жамоатчилик назорати остида кечишини таъминлашга ёрдамлашади, давлатни жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари билан боғлаб, улар ўртасидаги муштаракликни янада кучайтиради. Аксинча, демократик мамлакатлар тажрибасидан маълумки, партияларнинг кучсизлиги давлат органларининг заифлигига сабаб бўлиши мумкин»<sup>8</sup>. Замонавий фуқаролик жамиятининг бардавом фаолияти бир неча серқирра жамоат ташкилотлари билан узвий алоқани талаб этади, уларнинг энг асосийси сиёсий партиялардир»<sup>9</sup>.

Қайд этиш лозимки, «сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг асосий таркибий қисми ва сиёсий институт сифатида давлат ҳокимияти механизмининг ишлашида фаол иштирок этадилар ёки унга муайян таъсир ўтказадилар, фуқароларнинг сиёсий онги шаклланишида ва сиёсий маданияти даражасини ортишида катта рол ўйнайдилар»<sup>10</sup>. Зеро, жамият сиёсий тизимининг фаол ҳаракати кўп жиҳатдан сиёсий партиялар фаолиятига, улар ўртасидаги соғлом рақобат асосидаги ҳокимият учун курашга боғлиқ.

Давлат органлари ва сиёсий партияларнинг алоқаларини шунда кўриш мумкинки, давлат сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ва эркин фаолияти учун шароит яратиб

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>7</sup> Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Муаллифлар жамоаси // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т., «Akademiya», 2005. – Б. 99-100.

<sup>8</sup> Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Муаллифлар жамоаси // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т., «Akademiya», – 2005. – Б. 104.

<sup>9</sup> Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. –М., Издательская группа «ФОРУМ–ИНФРА-М», – 1998. – С. 36.

<sup>10</sup> Германиянинг сиёсий партиялари тўғрисидаги қонуни. – Т., Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, – 2007. – Б. 8.

берса (қонунлар<sup>11</sup> орқали), ўз навбатида, сиёсий партиялар ҳам ўз ҳаракатларида мамлакатни ривожлантириш масаласига асосий вазифа сифатида ёндашадилар (Бу уларнинг дастурлари<sup>12</sup>да белгиланган). Дарҳақиқат, бу икки серқирра институтнинг жамият сиёсий тизимидаги ҳаракати, бир-бири билан ўзаро муносабатлари муайян тўғри ва акс алоқаларга асосланади. Давлат сиёсий партияларнинг эркин фаолиятига шароит яратиб берса (тўғри алоқа), ўз навбатида сиёсий партиялар ҳам дастурий ғоялар, қарашлар, фикрлар хилма-хиллиги орқали давлатни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар (акс алоқа). Бу икки институтнинг бир-бири билан узвий алоқадорлиги, умумий манфаатлар асосида фаолият юритиши нафақат ўзларининг, балки жамиятнинг равнақи, инсониятнинг фаровон келажаги учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, «сиёсий партиялар давлат билан халқ, жамият ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини бажаради»<sup>13</sup>.

Бугунги кунда юртимизда кўп партиявийлик тизими амалда бўлиб, бешта сиёсий партия<sup>14</sup> фаолият юритмоқда ва уларнинг нормал фаолият юритишлари учун тегишли барча шарт-шароитлар давлатимиз томонидан яратиб берилган. Мазкур ҳолатни ўз ўрнида ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорлик учун жуда яхши имконият сифатида баҳолашимиз мумкин.

Шу ўринда тадқиқот ишимиз жараёнида олиб борилган ўрганишлар асосида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда сиёсий партиялар билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда ҳамда мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса, ушбу ҳамкорликни лозим даражада ташкил этишга тўсқинлик қилиши ёки кўзланган мақсадга эришилмасликка олиб келиши ва ҳамкорликдаги фаолиятнинг самарасизлигини келтириб чиқариши табиий ҳолдир. Назаримизда, ушбу ҳамкорликни самарали ташкил этиш учун аввало ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига оид бир қанча норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган, лекин, бевосита давлат органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда сиёсий партиялар билан

<sup>11</sup> Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг эркин фаолияти учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилаётган бир неча қонунлар мавжуд. Улар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисидаги», «Сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар.

<sup>12</sup> Мамлакатимизда амалда бўлган барча сиёсий партияларнинг дастурларидаги бош масала Ўзбекистонни ривожлантиришдир. Масалан: Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурига қаранг. Унинг дастуридаги битта боб айнан «Партиянинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳасидаги вазифалари»га қаратилган.

<sup>13</sup> Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., – 2003. – Б. 166.

<sup>14</sup> Расмий маълумотлар 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий-веб сайти // – [www.minjust.uz](http://www.minjust.uz).

хамкорлигига оид тўғридан-тўғри норма ва қоидалар мавжуд эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»<sup>15</sup>ги Қонунининг 21-моддаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки»га бағишланган. Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатда умумий маънода «...нодавлат нотижорат ташкилотлари...» деб белгиланган.

Сиёсий партияларнинг бугунги кунда жаҳонда ва мамлакатимизда давлат ҳамда жамият ижтимоий ҳаётидаги роли ва мавқеёини инобатга олиб, ҳамда уларнинг хуқуқбузарликларни олдини олишда давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан ҳамкорлигининг хуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»<sup>16</sup>ги қонунининг 21-моддасининг номланишига ва ички мазмунига «*сиёсий партиялар*» жумлаларини киритиш ҳамда 21-модданинг номланишини «*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки*» деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, бугун нафақат мамлакатимизда балки, бутун дунёда сиёсий партиялар жамият ижтимоий ҳаётидаги фуқаролик жамияти институтлари орасида муҳим субъектлардан бири ҳисобланади. Қонун нормасига ушбу ўзгартиришнинг киритилиши эса, сиёсий партияларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан ҳамкорлигининг хуқуқий асослари бойишига ва кучайтирилишига хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»<sup>17</sup>ги Қонунини «*Сиёсий партияларнинг ҳамкорлиги*» деб номланган 5<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш ва мазкур моддада «*Сиёсий партиялар жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалаларда давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади*» деб қайд этиш лозим. «*Сиёсий партияларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалаларда*» жумласи ўз ўрнида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифасини ҳам қамраб олади. Зеро, жамият ижтимоий ҳаёти субъектлари учун тинчлик-осойишталик энг олий неъмат эканлиги айти ҳақиқатдир ва буни сиёсий партиялар ҳам тўғри тушунади албатта.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизнинг амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига оид бир қанча қоидалар мавжуд. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»<sup>18</sup>ги Қонуни сиёсий партиялар учун Ўзбекистон

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>16</sup> Ўша манба.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>18</sup> Ўша манба.

Республикаси Конституциясидан кейинги ўриндаги асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонунга мазкур норманинг киритилиши сиёсий партияларнинг ушбу йўналишдаги масъулиятининг ошишига ҳамда ушбу субъектлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, мазкур субъектларнинг жамият ижтимоий ҳаётида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири эканлигини инобатга олиб, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини янада самарали бўлишини таъминлаш ва бу борада юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мазкур субъектларнинг *ҳамкорлик меморандумларини* имзолашлари мақсадга мувофиқдир. Жумладан, мазкур имзоланган меморандумларда:

*биринчидан*, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари;

*иккинчидан*, ҳамкорликни амалга ошириш механизмлари;

*учинчидан*, ҳамкорлик натижалари бўйича иштирок этувчи субъектларнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари белгилаб берилиши лозим.

Шунингдек, мазкур меморандумлар асосида ҳамкорликдаги фаолият бўйича *қўшма дастурлар* ва *режалар* ишлаб чиқиш ҳамда сиёсий партияларнинг марказий кенгашлари билан Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари меморандумларидан сўнг сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлари билан маҳаллий ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлим ва бўлинмалари ўртасида ҳудудларнинг демографик маълумотларидан келиб чиққан ҳолда меморандумлар имзолашлари ва ҳамкорликдаги фаолият бўйича *қўшма дастурлар* ва *режалар* ишлаб чиққан ҳолда самарали ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишлари келгусида ўзининг ижобий натижасини беради албатта.


Шу билан бирга, ушбу имзоланган меморандумлар мазкур субъектларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий тартибга солиш асослари мустаҳкамланишига хизмат қилади ва ушбу ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни<sup>19</sup>га мутаносиб амалга оширилган бўлади. Хусусан, ушбу қонунда “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат ношароат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир” деб қайд этилган.

Шу ўринда яна бир масала, яъни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан самарали ҳамкорлик олиб бораётган сиёсий партияларнинг фаоллигини янада ошириш ва улар томонидан ушбу жараёнларда амалга оширилаётган ишларни муносиб баҳолаш мақсадида мазкур жараёнларда бошқаларга ибрат бўлиб келаётган сиёсий партиялар ва

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

уларнинг аъзоларини рағбатлантириш амалиётини кенг жорий этиш ҳамда уларни рағбатлантириш асослари ва манбаларини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайд этиш лозим.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, жамиятда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ушбу субъектларнинг самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ўзлари фаолият олиб борадиган маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини сиёсий партиялар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширишлари ўзининг ижобий натижасини беради. Сабаби, сиёсий партиялар бугунги биз яшаётган XXI асрда нафақат мамлакатимизда балки бутун дунёда жамият ижтимоий ҳаёти ва давлат бошқарувида муҳим аҳамият касб этадиган катта нуфузга эга фуқаролик жамияти институтларидан биридир.



INNOVATIVE  
ACADEMY